



HRW: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ 2014

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ботида бу йил бирор жихатдан ижобий силжиш бўлгани йўқ.

Мамлакат ҳамон мустақил текширувга ёпиқ. Сўз эркинлиги бағоят чекланган. Ҳуқуқ химоячилари тазйиққа олинади. Хорижда яшаётган фаоллар ҳам турли йўллар билан босимга учрайди. Эркин эътиқод қилганлар жазога тортилади. Катталар ва болаларни мажбуран ишлатиш амалиёти давом этмоқда.

Жиноятга қарши курашувчи тизимларва жазони ўташ муассасаларида кийноқлар мунтазам равишда қўлланади. Жорий йилнинг апрел ойидан эътиборан Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси Ўзбекистон турмаларига кирмай қўйди. Чунки ташкилот бу ташрифларни ўз меъёр-галабларига биноан амалга ошира олмайди, хусусан ёрдамга муҳтож маҳбуслар билан учрашиб, улар билан алоҳида, бегона одамнинг гувоҳлигисиз гаплашиш мумкин эмас.

Вазият қанчалик оғир бўлмасин, Қўшма Штатлар ва Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлашга уринди, айниқса Афғонистондаги уруш юзасидан ҳамкорликни давом эттирди.

Ҳуқуқ химоячилари ва журналистлар

Инсон ҳуқуқлари химоячилари ўз фаолияти учун қамалиши ва кийноққа солиниши мумкин. Ҳуқуқат халқаро ҳуқуқ ташкилотлари ва хорижий матбуотга Ўзбекистонда ишлашга йўл бермай келмоқда.

Республикада ўнлаб ҳуқуқбонлар сохта айбловлар билан панжара ор-

тида ва яна бир неча фаолга қарши жиноий ишлар очилган. Айни дамда қамокда ўтирганлардан: Солижон Абдурахмонов, Аъзам Фармонов, Меҳринисо Ҳамдамова, Зулхумор Ҳамдамова, Исроилжон Холдоров, Носим Исоқов, Ғайбулло Жалилов, Турабой Журабоев, Абдурасул Худойназаров, Ғанихон Маматхоннов, Чўян Маматкулов, Зафаржон Раҳимов, Йўлдош Расулов, Бобомурод Раззоқов, Дилмурод Саидов,

Неъматжон Сиддиқов ва Аъзам Турғунов.

Тинч йўл билан муҳолифатда бўлган ва айнан сиёсий фаоллиги сабаб судланиб жазоланаётганлардан: Муҳаммад Бекжонов, Ботирбек Эшқўзиев, Рухиддин Фахриддинов, Хайрулло Ҳамидов, Баҳром Ибрагимов, Мурод Жўраев, Даврон Қобилов, Маглуба Каримова, Самандар Қўнонов, Ғайрат Меҳлибоев, Эркин Мусаев, Юсуф Рўзимуродов, Рустам Усмонов, Равшанбек Вафоев ва Ақром Йўлдошев. Улар орасида кўплари оғир касал ва кийноққа солингани ҳақида маълумотлар бор.

17-январ куни Хоразмда сиёсий фаол Валерий Назаров уйи олдида аянчли ҳолда топилган. У кучли дорилар таъсири остида экани аён бўлган. Назаров ҳатто гапира олмай қолган. У 2012-йилнинг 7-декабридан бери қидирилаётган эди. Ўша куни у Конституциянинг 20 йиллиги олдида муҳолифат намойишига қатнашиш учун чиқиб кетган.

Ундан сал олдин эса Назаровнинг уйи атрофини хавфсизлик органлари ходимлари ўраб олган. Сафдошларининг айтишича, фаол бедарак кетганида аслида руҳан касалхонада сақланган.

25-феврал куни Фарғонада ҳуқуқбон Неъматжон Сиддиқовнинг уйига 25 киши бостириб кириб, уни ва уч ўғлини дўппослаган. Воқеадан бир неча кун олдин Сиддиқов Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасида маҳаллий мутасаддилар яширин, ноқонуний мол олиб ўтиш тизимида эга экани ҳақида маълумот тарқатган. Милиция Сиддиқов ва унинг оила-

сига нисбатан жиноят амалга оширилаётганини билса-да, бирор чора кўрмаган. Кейинроқ эса унинг ўзини ва ўғлиларини зўравонликда айблаб қамокқа олишган. Май ойида улар судга тортилиб, олти йилга озодликдан маҳрум этилди.

Июн ойида Ўзбекистон ҳуқуқати қирғизистонлик таниқли ҳуқуқ химоячиси Тoleкан Исмоиловани Тошкент аэропортидан депортация қилиб юборди.

У мамлакатга киритилмади. Қорақалпоғистонда эса қамокдаги журналист Солижон Абдурахмоновнинг озод этилишини талаб қилаётган фаол Эргашбой Раҳимов ҳақоратда айбланиб, 30 кундан ошқ вақт мобайнида ҳибсда ўтириб чиқди.

Август ойида 60 ёшли Бобомурод Раззоқов, “Эзгулик” инсон ҳуқуқлари жамиятининг Бухоро вилоятидаги вакили, одам савдосига алоқадорлик айблови билан тўрт йилга кесилди. 23-август куни Жиззахда 75 ёшли фаол Тўрабой Жўрабоев беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

Май ойида қамокқа олинган бу шахс пора олганликда айбдор деб топилган. Даъвогарлар шикоятини қайтиб олган лекин жиноий иш бекор қилинмаган. Жўрабоев аслида коррупцияга қарши курашиб ном қозонган фаол.

Июл ойида Тошкент шаҳарсуди ҳозирда Францияда яшаётган ҳуқуқ химоячиси Надежда Агаева, унинг отаси ва укасини 6, 7 ва 9 йилга қамаш ҳақида ҳукм чиқарди.

Судланувчиларнинг бирортаси ватанда эмас. Уларга молиявий товламачилик айби қўйилган. Прокуратура бу шахсларни огоҳлантирмаган ва суд уларсиз ёпиқ ва яширин тарзда ўтган.

Сентябр ойида Хоразмда журналист Сергей Наумов ҳибсга олинди. Нозик сиёсий ва ижтимоий мавзулардаги, хусусан этник камситишлар ҳақидаги танқидий мақолалари билан танилган мустақил муҳбир “саҳналаштирилган” жиноятда – кўчада бир аёлга ҳужум қилганликда айбланган.

Наумов 12 кун қамокда сақланган, ҳуқуқлари топталган, унга адвокат олиш имконияти берилмаган.

(Давоми: Боши 1-саҳифада)

Андижондаги қатлиом

Саккиз йилдирки, ҳукумат Андижон шаҳрида юзлаб одамлар қандай нобуд бўлгани юзасидан мустақил текширув олиб боришга йўл бермай келмоқда. 2005-йилда маҳаллий тадбиркорлар терроризмда айбланиб судланган эди.

Норози омма намойишга чиққан ва вазият мураккаб тус олиб, воқеа қонли тугаган эди. Ҳукумат ғалаённи куч билан бостирган. Юзлаб инсонлар ўлдирилган. Гувоҳларнинг кўпи судланди, бу борада оғиз очган фуқаролар жазоланди.

HRW: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ 2014

Бу йилнинг 13-майида ҳуқуқбонлар Елена Урлаева ва Аделаида Ким Тошкентда бу фожиа қурбонларини хотирлаб, шаҳардаги ёдгорликлардан бирига гул қўймоқчи бўлганида, органлар уларни олиб кетган ва сўроқ қилган.

Адлия ва қийноқлар

Ўзбекистон ҳибсхона ва турмалари – қийноқлар макони. Қийноқлар – маҳбусни жиноятга иқроқ қилдириш усули. Қаттиқ таъқиблар ва пластмас-са бутилкалар билан уриш, қўл ва оёқдан осиб қўйиш, жинсий тажовуз ва азоблаш – кенг тарқалган ҳоллар.

2008-йилда “habeas corpus” таништирилганидан бери вазият ижобий томонга ўзгарди дейишга асос йўқ. Ҳибсга олинган шахс кўп ҳолларда суд олдида ўз вақтида келтирилмайди ва расмий айбловсиз панжара ортида сақланади. Қонунга зид равишда уларга адвокат берилмайди. Сиёсий жиҳатдан нозик ишларда айбланган фуқароларни ҳимоя қилиб танилган адвокатлар, 2009-йилда уларнинг мустақил уюшмаси бекор қилиниб, ҳукумат назорати остида янги кенгаш тuzилгач, лицензиядан айрилган.

Ҳукумат қийноқларга йўл қўйилмайди, дея ҳақиқатни инкор этиб келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қийноқларга қарши махсус вакили 2003-йилда берган тавсиялар тадбиқ этилмаган ва ўтган 10 йил ичида турли халқаро ташкилотларнинг маслаҳат ва йўриқномалари ҳам четга сурилган.

Раҳбарият қийноқлар юзасидан даъволарни изчил текширмайди. HUMAN RIGHTS WATCH эса қийноқлар, жумладан қамоқхоналардаги ўлим ҳоллари ҳақида ишончли маълумотлар олишда давом этмоқда. Жорий йилнинг

март ойида Тошкентда 16 ёшли Григорий Григорьев, ҳуқуқ ҳимоячиси Лариса Григорьеванинг ўғли, ўғрилиқда айбланиб судланган. Судя айбланувчининг дардини эшитмаган. Аслида Григорьев милиция томонидан дўппосланган ва куч билан жиноятга иқроқ қилинган.

Июн ойида Урганчда протестант насроний Сардорбек Нурметовни китоб билан боши ва кўкрагига қаттиқ уришган. Оёқлари ҳам жароҳатланган тақводор касалхонага яқинлаштирилмаган. Унга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмаган. Нурметов милицияга шикоят қилганида, унинг ўзини уйида ноқонуний диний китоблар сақлаганликда айблашган.

Диний эркинлик

Ҳукумат эркин эътиқод қилишга ҳаракат қилган мусулмонларни таъқиб этиб, уларни асосиз қамашда давом этди. Маҳбуслар қийноққа солинди. Мустақил Инсон Ҳуқуқлари Ҳимоячилари Ташаббус Гуруҳи апрел ойида чиқарган таҳлилномага кўра, мамлакатда тақрибан 12 минг киши “диний экстремизм” деган мавҳум айбловга биноан қамоқда ўтирибди ва 200 дан зиёди бу йил судланган.

Турк уламоси Саид Нурси қолдирган тариқатни ўрганган мусулмонлар исломий экстремизмда айбланиб қамоқда. Шунингдек, ҳукумат тинч йўл билан диний фаолият олиб борган насронийларга жарима солади, уларни ноқонуний дарсларда айблаб, жазолайди.

Диний сабаблар билан қамалганлар одатда қамоқхонада тартиб-қондани бузганликда айбланиб, жазоси узайтирилади. Бу эса суд адолатли равишда чиқарадиган ҳукм эмас. Бундай асосиз қарорлар ҳукумат диндор маҳбусларни турли баҳоналар билан озодликка чиқармасликка ҳаракат қилаётганини англатади.

Мажбурий меҳнат

Ўзбекистонда болаларва катталар ёппасига пахтага олиб чиқилади. Бир миллиондан ошмиқ киши ва ўқувчилар, 15-17 ёш орасидагилар, айрим ҳолларда эса хатто 9 ёшлилар ҳам кузда қарийб икки ой мобайнида пахта теради. Меҳнатқашлар аксарият ҳолларда далада оғир шароитларда яшайди, санитария талабларига риоя қилинмайди, ичимлик суви танқис. Турли касалликлар тарқалади, одамлар ишдан ва ўқишдан қолади. Теримчилар кундалик нормани бажариши керак, аммо уларга бунинг учун жуда оз ҳақ тўланади. Айрим

ҳолларда умуман тўланмайди.

Халқаро босим остида ҳукумат эндиликда пахта далаларига камроқ болаларни олиб чиқмоқда. Бунинг ўрнига ўсмирлар ва катта ёшдагиларнинг сони оширилган. Мажбурий меҳнат жамият ҳаётига кўп жиҳатдан салбий таъсир кўрсатади. Зарур хизматлар кўрсатиш секинлашади ёки умуман тўхтаб қолади. Чунки шифокорлар, тиббий ходимларва давлат муассасаларининг бошқа хизматчилари пахта тараётган бўлади. Ўқитувчилар ҳам теримда. Ҳаммадан квотани бажариш талаб қилинади.

Йиллар давомида теримни қузатишга рухсат ололмаган Халқаро Меҳнат Ташкилоти 2013-йилда чекланган тарзда мониторинг қилишга муваффақ бўлди. Бироқ унга фақат болалар тараптими ёки йўқлигини кўриш ва буни ҳукумат вакиллари билан биргаликда текшириш имконияти берилди. Миссия мустақил равишда маълумот йиға олмади, теримчилар билан эркин гаплаша олмади ва натижада унинг якуний ҳисоботи ҳақиқатни қанчалик ақс эттириши мумкинлигига ишонч пасайди.

Мухим халқаро ўйинчилар

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бобида бирорхалқаро орган билан ҳисоблашмайди ва бунинг учун уни ҳеч бир томон жавобгарликка тутаётгани йўқ. 11 йилдирки, БМТнинг бирор махсус вакили бу давлатга киритилмаган. Ўзбекистон бу ташкилот берган тавсия ва кўрсатмаларга бефарқ.

Апрел ойида республика расмийлари Умумбашарий Даврий Муҳокама (Universal Periodic Review) пайтида шуни кескин таъкидладики, “Ўзбекистонда сиёсий маҳбуслар йўқ”. Шунингдек, уларнинг айтишича, Андижон иши ёпилган ва ҳукумат бу борада ҳеч ким билан гаплашмайди.

Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ аҳволни тузатиш йўлида берилган тавсияларнинг кўпи Ўзбекистон ҳукумати назарида ўринсиз, яъни реал ҳолатга тўғри келмайди.

Давлат департаменти Ўзбекистонни одам савдосига қарши курашда жуда суст ҳаракат қилаётган давлат деб ҳисоблайди ва мажбурий меҳнат ҳамон бутун тизимни қамраб олган муаммо экани сабаб бу йил уни ўз махсус рўйхатида энг паст поғонага туширди.

Аммо Обама маъмурияти давлат хавфсизлигини таъминлаш шуни талаб қилади дея Тошкентга нисбатан санкцияларнинг тегишли қисмларини бекор қилган.



Human Rights Watch ташкилоти Чехия президенти Милош Земани Узбекистон президенти И.Каримов билан келаси ой охирига белгиланган Прагадаги учрашувни мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари вазиятида конкрет ўзгаришлар бўлмагунча, кечиктириб туришга чақирди. Халқаро майдонда нуфузли саналган Human Rights Watch ташкилотига кўра, демократия ва инсон ҳақларига ҳурмат асосий қадриятлардан саналган Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, хусусан, Чехия, И.Каримов каби авторитар давлат раҳбарлари билан учрашар экан, бундай учрашув муайян шартлар асосида амалга оширилиши лозим.

Озодлик билан суҳбатда Human Rights Watch ташкилотининг Марказий

Осиё бўйича тадқиқотчиси Стив Свездлов бу талабни шундай изоҳлайди:

- Бу ташриф демократия ва инсон ҳуқуқлари тимсоли бўлган Чехия Республикаси обрўсига жиддий зиён етказди. Президент Земан учун бу ташрифни қолдиришга ҳали ҳам вақт бор. Узбекистон ҳукумати инсон ҳуқуқлари ахволини яхшилаш йўлида конкрет қадамларни қўймагунча Чехия президенти Каримовни Прага қасрида қабул қилмаслиги керак, дейди Свездлов. Чехия президенти маъмурияти ва мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган маълумотга кўра, 2014 йилнинг биринчи чорагида Узбекистон президентининг давлат ташрифи билан Прагага келиши кутилмоқда. Расман тасдиқланмаган

Швецияда нашр этиладиган Expressen газетасида ўзбекистонлик тадбиркор Фафур Раҳимов ҳақида мақола чоп этилди. Мақола "Героин қироли Сочини олди: "У ўта хавфли" (Heroinking fick OS till Sotji: "Farlig gangster") деб номланган.

"Сочи олимпиадасига саккиз кун қолмоқда. Шубҳали хўжайин (Пу-

"ЎТА ХАВФЛИ ГАНГСТЕР"

тин назарда тутилмоқда – таҳр.) танқидлар ёмири остида қолганди. Энди эса ундан-да баттароқ маълумот етиб келди. Норвегиянинг ABC газетасига кўра, Сочи номзоди героин қироли ёрдамида қозонилган экан".

ABC телеканалига суҳбат берган Британиянинг Узбекистондаги собиқ

маълумотларга кўра, Каримовнинг Прага сафари 21-23 февралга белгиланган.

Президент И.Каримовнинг Прагага ташрифи амалга ошса, бу унинг 2005 йилги Андижон фожиасидан кейин Европа Иттифоқи мамлакатларига учинчи расмий сафари бўлади.

Андижонда юзлаб тинч намоёнчиликнинг ҳукумат кучлари томонидан ўққа тутилиши ортидан Европа Иттифоқи Узбекистон расмийларига виза чекловлари ва қурол эмбаргоси жорий этган эди. Аммо бу санкциялар 2009 йилда Узбекистон ҳукумати қўйилган шартлардан бирортасини бажармагани ҳолда, бекор қилинган эди.

- Европа Иттифоқи 2010 йилда

HRW: КАРИМОВ ИНСОН ҲАҚЛАРИ ВАЗИЯТИНИ ЯХШИЛАМАГУНЧА, ПРАГАГА КЕЛМАСИН

Ўзбекистон билан алоқаларни қайта тиклаш учун Тошкент ҳукуматига қатъий талабларни қўйган эди. Бу талаблар орасида барча сиёсий маҳбусларни озод этиш, ноҳукумат ташкилотлари, журналистлар ва инсон ҳуқуқлари фаолларининг Узбекистонда фаолиятига изн бериш, БМТ идоралари, жумладан БМТнинг қийноқлар бўйича маърузачиси билан ҳамкорлик қилиш, Узбекистон қамоқхоналарига киришига рухсат бериш, мажбурий меҳнатдан воз кечиш, пахта саноатида болалар меҳнатига чек қўйиш бор эди. Каримов шу талабларни бажармагунча, Европада мўтабар меҳмон бўлишга лойиқ эмас, дейди Свездлов.

Узбекистонни қарийб 25 йилдан бери бошқариб келаётган И.Каримов 1997 йилда расмий ташриф билан Прагага сафар қилган эди.

2001 йилда Чехия ҳукуматининг Прагада ҳибсга олинган Узбекистон муҳолифати етакчиси Мухаммад Солиҳни Тошкентга экстрадиция қилишдан бош тортиши икки мамлакат ўртасига совуқчилик солган эди.

Чехиянинг ўша пайтдаги президенти Вацлав Ҳавел Узбекистон билан му-

носабатлардаги иқтисодий манфаатларни четга суриб, Мухаммад Солиҳни ўз қароргоҳида қабул қилган эди.

- Чехия президенти Земан ўз мамлакатининг Узбекистон билан алоқалари ўтмишидан сабоқ чиқариши керак. Чехия собиқ президенти, марҳум Вацлав Ҳавел 2001 йилдаёқ диссидент ва муҳолифат намайяндларини Узбекистонга топширмаслик кераклиги, бу мамлакатда қийноқлар хавфи борлигини тан олган эди.

Ўзбек муҳолифати етакчиси Мухаммад Солиҳ Прагада ҳибсга олинган пайтда у бу ҳақда таъкидлаган эди. Чехия шунингдек, андижонлик қочқинларнинг бир гуруҳини ҳам ўз бағрига олган мамлакат.

Чехия демократия ва инсон ҳуқуқлари қадриятларидан чекинмаслиги керак, дейди Свездлов.

Чехия расмийлари Узбекистон президенти билан муҳокамалар марказида асосан иқтисодий ҳамкорлик истикболлари бўлиши айтилган пайтда, ўзбек ва чех расмийлари Каримов сафари давомида инсон ҳақлари, матбуот эркинлиги, хусусан, сиёсий муҳолифатга нисбатан муносабат мавзулари ҳам кўтарилаётгани билдирганлар.

"ЕИ аъзоси бўлган Чехия ҳукумати бу борада Узбекистонда мавжуд вазиятни мунтазам кузатиб боради ва бу муаммоларни очиқ муҳокама қилишдан ҳамма учун, хусусан, ўзбек муҳолифати учун ҳам наф етади", дея таъкидлади ўз исми очиқланишини истамаган чех расмийларидан бири Озодлик билан суҳбатда.

Айни пайтда хорижда яшайдиган ўзбекистонлик фуқаровий жамият фаоллари И.Каримов ташрифи куни Прагада норозилик намоёниши ўтказишни режалашмоқда.

ozodlik.org

элчиси Крейг Мюррей Фафур Раҳимов ҳақида шундай дейди: "Дунёдаги энг катта бешта героин тужжоридан бири. У ўта катта ва хавфли гангстер".

Раҳимов ўз криминал ва халқаро спорт федерацияларидаги алоқалари воситасида Сочи шаҳрининг олимпиада ўтказиш ҳаққини қозонишга ёрдам берган.

Бунинг учун 2007 йилда, Россия Олимпия қўмитаси Раҳимовга миннатдорчилик билдирган. "Раҳимовнинг кўмагисиз Сочининг ғалабасини таъминлаш қийин бўларди", деган Россия Олимпия қўмитаси раиси Леонид Тягачев.



АВСнинг хабарига айтилишича, Раҳимовнинг ўзи ҳам Сочи олимпиадасида қўли борлигини тан олган. У ростдан ҳам бир қатор Осиё вакилларини Халқаро Олимпия Қўмитасида Сочи номзодига овоз беришга кўндирган.

UZBEK.FM

“Яратганнинг бандаларига берган энг улкан неъматларидан бири бу – ТИНЧЛИКДИР. Бизнинг мусаффо осмонимиз, файзли диёримиз узра бу неъматни бисёр этганнинг ўзига беҳисоб шукрлар ва унинг расули Мухаммад С.А.В. га саловотлар бўлсин. Шу кунларга етишимизга сабабчи бўлган, миллатимиз бошида турган азиз юртбошимиз халқимиз дуоси ҳамда Яратганнинг паноҳида бўлсин.

Тинчлик – кунда минг маротаба айтилса-да сийқаси чиқмас, оддий сўз бўлса-да, бироқ унинг замирида бутун бир миллатнинг кайфияти, яшаш тарзи мужассам бу сўзда. Инсоният туғилибдики, таққослаш орқали фикрини жозиба ва таъсирини оширишга уринади. Албатта-да кимлардир бугун битта нон учун автомат ушлади, яна кимдир нафси утопик ғояси учун қон тўкиш, вайронагарчилик касб этди.



ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАН ЮРТБОШИМИЗ ОМОН БЎЛСИН

Бизда эса... тинчлик, нечун хурсанд бўлмайлик, нечун мактаниб кўкрак кермайлик. Ахир уйдан чиқаётиб хотиржаммиз, фарзандимиз мактаб ёки боғчада бўлса-да, у ҳақда фақат олиб келиш вақтида ўйлаймиз. Шунинг ўзи бахт эмасми.

Тўйлар-тўйларга уланмоқда. Янги оилалар, янги мақсад ва режалар онгимизни забт этган. Бунинг бари тинчликдан эмасми. Илоҳим кўз тегмасин. Ҳар биримиз бунинг қадрига етиб, шукроналик билан яшайлик”.

Менга махсус ёзиб жўнатилган ушбу тилакни ўқир эканман, бир ўқиб қулибгина қўйдим, аммо туни билан ухлаёлмай чиқдим. Бу гўзал битиклар менинг она юртимни бугунки таърифланиши мен эса юртимдан йироқдаман мана шу жаннатда каби яшашдан маҳрумман нафақат мен, мен билан бирга 7.000.000 дан ошиқ “дангаса”лар ҳам шундай гўзал яшашдан маҳрум. Биз ношукр бандаларни қарангки, ўзини шундай тинч ва мусаффо осмон туриб, қаҳратон совуқли Россияда ва дунёни бошқа давлатларида ишлайди ва яшайдилар. Бундан ортиқ ҳам ўз халқига хурматсизлик бўладим? А?...

Нима бўлганда ҳам мен бу тилакни бошқа бир тақризда, ҳақиқатга яқин

бўлган ҳолатда, муаллифдан кечирим сўраган ҳолда, қуйидагиларни сизларга ёзиб маълум қилмоқчиман.

Мени халқ душмани ёки миллатни кўра олмайдиган деб айбламасликларингиз учун олдинига МУЛЛИФга ёқимли бўлган сўзларни ҳам ёздим.

Рухсатингиз билан шу тилакни ҳар бир сўзини изоҳлаб берсам:

— Яратганнинг бандаларига берган энг улкан неъматларидан бири бу ТИНЧЛИКДИР.

***Яратганнинг бандаларига юборган элчисининг айтишига кўра, энг улкан неъмат бу ТИНЧЛИК эмас, балким ИЙМОНДИР.

— Бизнинг мусаффо осмонимиз, файзли диёримиз узра бу неъматни бисёр этганнинг ўзига беҳисоб шукрлар ва унинг расули Мухаммад С.А.В. га саловотлар бўлсин

Бу жумлага изоҳ ёзишнинг хожати йўқ, муаллиф мен ёзган ИЙМОНЛИ инсонлар кўнглига қўл солиш услубини кўллаганлиги шубҳасиз.

— Шу кунларга етишимизга сабабчи бўлган, миллатимиз бошида турган азиз юртбошимиз халқимиз дуоси ҳамда Яратганнинг паноҳида бўлсин.

90-йиллар бошида Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганда, уни тан олишни истамаган ва унга биринчилар қаторида қарши бўлган шахс ким эди???

Бугунги кунда миллионлаб ўзбекларни чет элларда мардикорлик қилишига ҳамда ўзбек хотин-қизларини оила боқиш дардида фоҳишаларга айланишига сабабчи сиёсат – кимнинг сиёсати???

— Тинчлик – кунда минг маротаба айтилса-да сийқаси чиқмас, оддий сўз бўлса-да, бироқ унинг замирида бутун бир миллатнинг кайфияти, яшаш тарзи мужассам бу сўзда. Инсоният туғилибдики, таққослаш орқали фикрини жозиба ва таъсирини оширишга уринади.

Албатта-да кимлардир бугун битта нон учун автомат ушлади, яна кимдир нафси утопик ғояси учун қон

тўкиш, вайронагарчилик касб этди. Бизда эса... Тинчлик, нечун хурсанд бўлмайлик, нечун мактаниб кўкрак кермайлик. Ахир уйдан чиқаётиб хотиржаммиз, фарзандимиз мактаб ёки боғчада бўлса-да, у ҳақда фақат олиб келиш вақтида ўйлаймиз. Шунинг ўзи бахт эмасми.

“...Инсоният туғилибдики, таққослаш орқали фикрини жозиба ва таъсирини оширишга уринади...” Муаллифнинг мана шу сўзига тан бераман ва бош эгаман. Дунёнинг 28 давлатини кезиб, уларда яшаб кўриб, таққослаб, мен сиз ўқийдиган ушбу хулосаларни ёзаяпман.

— Албатта-да кимлардир бугун битта нон учун автомат ушлади, яна кимдир нафси утопик ғояси учун қон тўкиш, вайронагарчилик касб этди.

Муаллифнинг бу олтин сўзларига ҳам тан бераман ва бош эгаман. Афсуски, битта нон учун эмас. 2000 йилги сайловда ғирромлик билан бўлса-да ютган бўлиб, президентлик курсисидан қилиш учун мухолифларни олдиндан йўқ қилиш учун, ва халқни алдаш учун 1999 йил 16 февралда Тошкентда портлашлар ким томондан ташкил этилди???

Утопик ғоя учун ҳам эмас. 2005 йилда ўз ҳаққи ва ҳуқуқини талаб қилиб, кучага чиққан болалар, аёллар ва қариялар автомат у ёқда турсин, замонавий пулемёт ва БТРлардан отилди. Қон тўқилмади, балки дарё каби октирилди. Бу сирни жамоатчиликдан яшириш учун эса худди фашистлар каби кечаси билан КАМАЗларда болалари ва аёлларнинг мурдалари хандақларга кўмилиб, сўнг устига бир номер ёзиб қўйишни ким ташкил этди???

— Бизда эса... Тинчлик, нечун хурсанд бўлмайлик, нечун мактаниб кўкрак кермайлик.

Ҳа, албатта, сизда тинчлик. Нега ҳам хурсанд бўлмайсиз?? Миллионлаб ватандошларингиз мардикорлик қилиб, жўнатаётган пулига яшагандан кейин, нечун кўкрак кермайсиз?? Бугунги кунда дунёнинг истаган ўлкасида сизга миллатдош опа ё сингил ўзбек аёли фоҳишаларни энг арзони бўлиб қолган бўлса-ю, сиз керилмай ким керилсин?? Хаттоки 10 долларга ҳабаш ҳаммол ҳам нафсини қондираётганидан кейин, сизни ҳабашлардан почдаларингиз бўлса-ю, яна ким ҳам сиздай керилсин??

— Ахир уйдан чиқаётиб хотиржаммиз, фарзандимиз мактаб ёки боғчада бўлса-да, у ҳақда фақат олиб келиш вақтида ўйлаймиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Ҳа бунга қойил қолиш керак. Ахир гўёки бошқа давлатларда бечора болалар на садикка на мактабга бора оладими??? Бунга ҳам тан бериш керак, пахта териш мавсумида Россияда бешли бола бечора пахта даласига онаси билан бориб тележкада ухлаб қолса, пахта териб келганлар бечора боланинг устига тонналаб пахтани тўкиб ўлдирибти, бу каби ҳоллар деярли ҳар йили турли шаклда содир бўлади. Биз ўзбеклар ҳеч ўйламаймиз пахта териш нималигини, мактаб ўқувчиларини эса пахта даласидан қувсак, улар яна ўзлари бориб қолишади-да энди? Шундайми???

— Шунинг ўзи бахт эмасми. Тўйлар-тўйларга уланмоқда.

Ҳа бундан ҳам ортиқ бахт борми??? Ахир бизда тўй куни ота-онани, иста-сангиз куёвни ҳам ижарага олиш мумкин бўлса. Ота-бобо дини бўлмиш Ислонинг фарзларини бажаргани учун 10.000 лаб инсон қамокда ўтирса, намоз ўқиши учун болалар масжидларга яқинлаштирилмаса. Мардикорликка кетганларни тобутлари ойма-ой гоҳида уриб, ўлдирилиб, гоҳида тириклайин ёндирилиб, бир-бирига улашиб келиб турган бўлса-ю, бу ёқда сизда тўй-тўйга уланса, бундан ҳам катта бахт борми ўзи дунёда???

— Янги оилалар, янги мақсад ва режалар онгимизни забт этган.

Албатта янги оилага ҳам гап йўқ. Хотин-қизлар ўзлари ҳам билмай қоляптилар-ку, қандай стерилизация бўлиб қолаётганини. Минглаб аёллар бошқа фарзанд кўрмаслигини ойлар ўтгандан сўнг билмоқда.

Янги режаларга ҳам гап йўқ. Отасининг кизи президент бўлсин, сўнг кўрсатади онларни нима забт этишини, чет эллардаги миллиардларни триллионга айланиши қанақа бўлишини кўрсатади, албатта бугун бу сувилонга сиз қабила ўз ёзишларингиз билан ёрдам бермасангиз, биз қабила ишни пачава қилиб қуйишимиз турган гап. Шундай эмасми???

— Бунинг бари тинчликдан эмасми. Илоҳим кўз тегмасин. Ҳар биримиз бунинг кадрига етиб, шукроналик билан яшайлик.

Албатта, мен ёзганларим ҳаммаси шу тинчлик деган шиор остида содир бўлганига шубхангиз борми? Кўз тегадиган бирор нарсанинг ўзи борми? Кимга ҳам лаънат дея оласиз, ахир буларни бирортасини кўзингиз кўрмаса, қулоғингиз эшитмаса, албатта шукр деб ўтаверасиз-да...

Дўстназар Худойназар



Ёхуд Дўстназар Худойназарнинг «Кўр ва кар шукрона»сини ўқиб...

Қойил!

Юртимиздаги шукроначи манқуртлар, келинг уларни шукронистлар, дея қолайлик, ҳар нарсадан шукр қилишни ўрганиб олишибди.

Менимча, эрта-индин Ислон Каримов бошчилик қилаётган жиноятчи тўда аъзолари шукронистларнинг оналарини зўрласалар, шукронистлар: «Шукр, шукр, минг шукр!»

Оталаримиз оналаримизга бунчалик лаззат бера олишмаганди. Сизлар бор экансиз, оналаримиз шунчалик бахтиёр бўлишмоқда!» — деб, жиноятчиларнинг бу ифлосликларига ҳам шукр қилсалар керак.

Шукронистлар бунга нафақат шукр қилсалар, балки хўрланишнинг бу турини олқишлаб, жиноятчиларни мадҳ ҳам қилсалар керак, менимча.

Уларни зулмга шукр қилишга ким ўргатди ва ўргатмоқда?

Албатта, президент Каримовнинг ўзидан тортиб, Абдуллазиз Мансур каби шайхлар ва Анвар қори Турсуновгача бўлган сарой уламолари.

Шукронистларнинг устозлари қаторида шукронистларнинг ота-оналари, қариндошлари, ўқитувчилари, тарбиячилари, раҳбарлари ҳам бор, албатта.

Шукронистлар дунёга ўз дохийларининг кўзлари билан қарашади. Ўзбекистонда сиёсий ва диний эркинликларни талаб қилганларни — мустақиллик душманлари, деб, Ислон мавқеини тиклаш ва мусулмонларнинг диний ҳуқуқлари учун қўлида қурол билан қураша-

ётган мужоҳидларни — террорист, деб, Ўзбекистондаги ҳақиқий ижтимоий аҳвол билан қиёслаган ҳолда собиқ Иттифоқнинг ижтимоий афзалликларини мактаганларларни — коммунист, деб, айтишади шукронистлар.

Шукронистлар Ғарбнинг доллар ва евро каби пуллари-ни яхши кўришади, фоизга кредит бериш каби амалиётларини жону диллари билан қилишади. Лекин Ғарбона сиёсий эркинликларни ёмон кўришади, «Биз, ўзбеклар, бундай эркинликларга ҳали тайёр эмасмиз!» — дея жар солишади.

Улар эркинлик ва озодликка тиш-тирноқлари билан қаршилар. Чунки улар ўзларининг қуллигидан мамнун қуллардир.

Қайсидир жамоат арбоби: «Озодликнинг энг катта душмани қуллигидан мамнун қулдир» — деб, бизнинг шукронистлар ҳақида айтган.

Ўзбек шукронистлари озод Ўзбекистоннинг энг катта душманларидир. Чунки уларнинг шукроналиги туфайли Каримов зулми 20 йилдан ортиқ вақт давомида давру даврон суриб келмоқда.

Бундан хулоса шуки, Каримов зулмини ағдариш учун энг аввало Ўзбекистондаги шукронистларни бирёқлик қилиш керак. Акс ҳолда улар мард ватанпарварлар томонидан Каримов зулмига қарши бошланадиган ҳар қандай уриниш ёки инқилобнинг белига тепадилар.

Қандай қилиб дейсизми? Оддий тарзда: шукр қилиб!

Эй, танти ўзбек, огоҳ бўл: сенинг энг катта душманинг шукронистдир!

Саид АСКАР

Ўзбекистон МХХ раиси Р.Иноятлов ва ўзбек махсус хизматлари Ички Хавфсизлик Бошқармаси (ИХБ) бошлиғи Ҳаёт Шарифхўжаев президент И.Каримов тарафдорлари бўлган "чекист" ва кучишларларни жисмонан йўқ қилишга киришишди. Шундай қилиб...

"Каримовпарастлар нафақат ишдан бўшатилиши, балки йўқ қилиниши ҳам керак!"

Бу — ўзбек махсус хизматлари раиси Р.Иноятловнинг махфий буйруғи. Бугунги кунда Иноятлов Ўзбекистон ҳукумати, айниқса кучишлар тизимларида ишлаб, президент Каримов тарафдорлари бўлиб келаётган шахсларга қарши курашни тобора кенгайтирмоқда. Каримов ва унинг оиласига қарши сузиб бораётган Иноятлов кemasига чиқиб олган барча "чекист"лар ўз раҳбарининг ушбу сўзларини такрорлашни ёқтиришади. МХХ раисининг биринчи ўринбосари ва авваллари президент оиласига хайрихоҳлиги билан ажралиб келган Шўхрат Фуломов ҳам яқинда ушбу компанияга келиб қўшилди.

Ўз "дохий"сининг юқорида келтирилган иродасини бажарар экан, ўзбек мххчилари "хизмат"дан истеъфoga кетган ва ишдан бўшатишга собиқ ҳамкасбларини ҳам гумдон қилишни бошлашди.

Хусусан, 2014 йил 20 январь куни соат 21:45да Ўзбекистон МХХ ИХБнинг тўрт нафар тезкор ходими "хизмат"дан 2011 йилда бўшатишга Қувондиқ Ёқубовга қарата Макаров пистолетидан икки ўқ узиб, унга пичоқ билан ҳамла қилишди ва бир нечта жароҳат етказишди.

Бироқ ҳамлакорлар Қ. Ёқубовнинг ҳаётига нуқта қўя олишмади, чунки ўзбек махсус хизматларининг собиқ ходими пичоқли зарбалардан ўзини ҳимоя қила олди, пистолетдан ўзилган икки ўқ эса жабрланувчини яралади холос. Бу ҳужум натижасида жароҳат олган Қ.Ёқубов тўрт нафар ҳамлакор ўзбек махсус хизматлари Ички Хавфсизлик Бошқармаси (ИХБ) йигитлари эканини пайқайди. Тўрт нафар "чекист" ИХБ бошлиғи Ҳ.Шарифхўжаев ва МХХ раиси Р.Иноятловнинг топшириғини бажарганлигига шубҳа йўқ.

Буни шундан ҳам билса бўладики, Қувондиқ Ёқубовга суиқасд қилган тўрт нафар тезкор ходим воқеанинг эртасигаёқ, яъни 2014 йил 21 январь куни, "давлат аҳамиятидаги топшириқларни сифатсиз бажарганликлари учун" ишдан бўшатишди. ИХБ бошлиғи Ҳ.Шарифхўжаевнинг тақдимотига асосан бўшатишди.

Ўзбекистон МХХнинг собиқ зобити Қувондиқ Йўлдошбоевич Ёқубов "идора" раҳбарларидан Р.Иноятлов ва Ҳ.Шарифхўжаевнинг нишонига 2011 йилда ўтказилган ҳисобот-ташаббус йиғилишларининг бирида тушиб қолди. Ушбу йиғилишда Қ.Ёқубов мамлакат президенти И.Каримов душманларини жисмонан йўқ қилишни таклиф қилиб, ўзи ишлаб чиққан "И. А. Каримовнинг душмани менинг ва оиламнинг душманидир" дастурини МХХ раҳбариятига

тақдим қилди. Мазкур дастур Ўзбекистон президентининг аввалги ва янги душманларини жисмонан бартараф қилиш таклифларини ўз ичига олганди.

Тақдим қилинган режанинг ваҳшийлиги ва режа муаллифининг шижоати йиғилишдаги нафақат оддий иштирокчиларни, балки "идора" раҳбариятини ҳам лол қолдирди. МХХ раиси Р.Иноятлов ушбу йиғилишдан бир йил илгари, яъни 2010 йилда, президент Каримовга тарафдор бўлган кучишларларни аниқлаш, ишдан бўшатиш ва кейинчалик жисмонан йўқ қилишни кўзда тутовчи махфий режани тасдиқлаганини "Каримовга қарши унсурларини бартараф қилиш" ишқида ёнаётган Қ.Ёқубов ҳаёлига ҳам келтирмаган.

Бошқача айтганда, содда Қ.Ёқубов

ишга қўл уришди?

Чунки улар Қ.Ёқубовни жисмонан йўқ қилишни режалаштиришганди. Бироқ МХХ Тергов изолятори бу суиқасд учун ноқулай жой эди.

Бу вазиятда МХХ раиси ва ИХБ бошлиғи Қ. Ёқубовни пойтахт ИИББ Тергов изоляторидаги текиб, уни "ментлар"га қарашли ТИЗОда бартараф қилишмоқчи эди. Қ.Ёқубовни ўлдириш Тошкент шаҳар ИИББ ТИЗОдаги ("Тоштурма"даги) 309-камеранинг доимий "яшовчи"си, "қонундаги ўғри" ва "Мароканец" лақаби билан танилган қотилга топширилди.

Бироқ профессионал киллер Қ. Ёқубовни ўлдира олмади, чунки собиқ "чекист" "зек"нинг ҳамласини осонлик билан бартараф қилди. 2012 йил



Усмон ҲАҚНАЗАРОВ:

"ИНОЯТОВ ва ШАРИФХЎЖАЕВ
каримовпараст
кучишларларни
йўқ қилишга
киришди"

ўзи билмаган ҳолда ўз номини Иноятлов режасининг бўлажак қурбонлари рўйхатига тақдим қилган. Қувондиқ Ёқубов ўзининг қўпол хатосини ана шу йиғилишдан бир неча ой ўтгандан кейин тушуниб етди. 2011 йил 14 октябрь куни МХХ ИХБ бошлиғи Ҳ.Шарифхўжаевнинг тақдимотига ва 3211-лс-сонли буйруққа асосан у ишдан бўшатишди. МХХ республика идораси биносига Қ.Ёқубов охириги марта 2011 йил 21 октябрь куни бўлиб, якуний варақа тўлдирган ва маошларининг қолдиқларини олган.

Бироқ ушбу одамнинг мансаби ва ҳаётидаги қора кунлар ишдан кетиш билан якунланиб қолмади. 2012 йил 26 май куни Қ.Ёқубов ИХБ бошлиғи Ҳ.Шарифхўжаевнинг буйруғига биноан ҳибсга олиниб, МХХ Тергов изоляторида (ТИЗОга) жойлаштирилди. "Хизмат" Қ.Ёқубовни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 162-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган жиноятларни — "Давлат сирларини, яъни давлат, ҳарбий ёки хизмат сирини ташкил қилувчи маълумотларни хизмат ёки профессионал фаолият доирасида олиб ёки билиб, давлатга хиёнат аломатлари бўлмаган ҳолда ошкор қилиш ёки бериш"ни — содир қилганликда гумон қилди. Шундан сўнг Р.Иноятлов томонидан берилган кўрсатмага ва Ҳ.Шарифхўжаев томонидан чиқарилган буйруққа биноан Қ.Ёқубов МХХ тергов қоидаларига зид равишда МХХ ТИЗОдан Тошкент шаҳар ИИББ ТИЗОга ўтказилди.

Яъни, Ҳ.Шарифхўжаев "идора"нинг ички тергов низомига зид равишда Қ. Ёқубовни бошқа кучишлар муассасанинг ТИЗОга ўтказди. Нега Р.Иноятлов ва Ҳ.Шарифхўжаев бундай хатарли

24 декабрь куни Қувондиқ Ёқубов мамлакат президенти томонидан эълон қилинган авфга биноан озодликка чиқди. 2013 йил декабрь ойи бошларида Қ.Ёқубов Ўзбекистон президентининг ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича ўша пайтдаги Давлат маслаҳатчиси Жамшид Файзиевга хат билан мурожаат қилди. Мактубда Қ. Ёқубов ўзига нисбатан МХХ раҳбарияти, хусусан, "идора" раиси Рустам Иноятлов ва ИХБ бошлиғи Ҳаёт Шарифхўжаев томонидан уштираётган таъқиб тарихини ва асл сабабларини баён этди. Жамшид Файзиев дарров МХХ раиси Рустам Иноятловга мурожаат қилиб, тиниб-тинчимас "Кубик" (Қувондиқ Ёқубов) "раис" ва "Хачик" (Ҳаёт Шарифхўжаев) устидан арзнома ёзгани ҳақида огоҳлантирди.

Дўстона қилган яхшилиги учун Жамшид Файзиевга миннатдорчилик билдирган Р.Иноятлов барибир ушбу яхшилиқни Давлат маслаҳатчиси томонидан қилиниши мумкин бўлган шантаж ҳақидаги огоҳлантириш деб қабул қилди. Ўзбек махсус хизматларининг раҳбари Рустам Иноятлов Жамшид Файзиев ушбу мактубни истаган пайтда президент Каримовга бериши, бунинг натижасида эса МХХдаги иноятловчилар гуруҳига қарши таъқиблар бошланиши мумкинлигидан қаттиқ хавотирлана бошлади.

Ва шумфикр Р.Иноятлов ўзининг "одамгарчилик" аъналарига содиқ қолган ҳолда Жамшид Файзиевга "миннатдорчилик" билдирди.

Шундай қилиб...

Давоми келгуси сонда



Яқинда ЎХХ сайти саҳифаларида Саид Аскар таҳаллуסי остида мақолалар бераётган янги бир муаллифнинг ёзишмалари лайдо бўла бошлади. Албатта бу ҳол УХХ нинг ҳар бир аъзосини шодлантурса ҳам керак. Ахир фикрлар хилма хил бўлган тақдирда ҳам, мақсад бир бўлмоғи лозим эмасми? Айни шу ақидадан келиб чиқадиган бўлсак, ватандаги диктатура режимига қарши олиб борилган сиёсий курашнинг ҳар қандай усулини ҳам ҳалол деб қараш мумкин.

Бу муаллиф Ўзбекистондаги аҳволга ҳам назар ташлар экан, мамлакатнинг фуқролари ҳукумат олдида дир-дир титраб туришларини ажойиб бир мисол билан келтириб ўтибди ва мана шу зайлда фақат ва фақат кўрқиб яшайдиганларни “шукронистлар” деб атабди.

Бир калладан бир фикр, минг калладан минг фикр деганларидек, Саид Аскарнинг бу ёзган жумлалари бутун Ўзбекистонни унда мавжуд бўлган расмий сиёсий кучлари билан, кейин сиёсатдан узоқдаги партиясизлар билан бирга қўшиб бир фуқаролик жамиятига бирлаштириш мумкин эмасмикан деган янги бир фикрга туртки берди. Уларни русчасига “шукранисти”, ёки ўзбекчасига эса “шукроначилар” ҳаракатими, партиясими деб аталса, кўп ва хўб яхши бўларди. Чунончи, Ўзбекистонимизда халқ ёппасига шунақа “шукроначи” бўлиб қолган десак ҳам кўп муболаға бўлмайди. Албатта бунда ҳар вилоятда учраб туриши мумкин бўлган бир неча кишининг сиёсий фаоллигини назардан қочирсак.

Хўш, бу шукроначилар аслида кимлар? Улар ватаннинг муттасил кўрқиб яшайдиган фуқаролари бўлиб, на диннинг ва на сиёсий кўз қарашининг фарқи ҳам кузатилинмайди. Шукроначилар Анархистлар деб номланадиган ҳаракатнинг том тескарисидир. Уларнинг Анархистлардан фарқи, курашиш ўрнига фақат бўйин эгишнинг, кўпроқ таъзим қилишни, ҳаттоки қандайдир “каттакон” бўлсин, унинг оёғи остида поёндоз бўлишлиқ ғоясини илгари сурадиган ҳаракат бўларди.

Ишонтириб айтадиган бўлсак, шукроначиларга бутун дунёда бирор ҳукумат қаршлик ҳам кўрсатмасди. “Нега энди?” – деган савол туғилади. Жавоб эса бу: чунки шукроначилар ҳар қандай ҳукуматга бўлсин, шукро-

налар, саволлар айтиб кетавериш каби ғояни қадрлайдилар.

Камина ҳам кўп ҳолларда мана шунақа шукроначиларнинг ҳақоратларига нишон бўлиб қоламан. Улар одатда ўзимизнинг Ўзбекистонлик ва уларнинг баъзилари ватанда бўлишса, бошқалари хориж мамлакатларида яшайдилар. Ўзбекона таълим ва тарбиядан келиб чиқиб, бирор юртда бўлсин ўз ҳуқуқлари учун курашиш ўрнига, шукроналар келтириб маҳаллий

риб қўйишган бўлишарди. Ишонаверинг, бу миллат бунга ҳам боради.

Ўзбекларнинг бошида нафақат калтаклар синмоқда, балки уларни ҳар қўйга солиб кўришларнинг ҳам поёни йўққа ўхшайди. Қизиқ, агарда президентимиз эркакларни ҳам бичиш тадбирини бошлаб юборса миллат нима қиларкин? Нима ҳам қилишарди дейсиз.

XIX асрнинг 70 йилларида Россия империяси Марказий Осиёни забт этаркан, унда ҳали қулдорлик тузи-

ҚУДУҚ ТУБИДАГИ МИЛЛАТ

ҳукуматлар билан ҳам келишиб яшаш йўлини танлашади.

Нега биз шукроначилармиз? Миллат узоқ йиллар мобайнида турли ҳукмдорларга бўйин эгиб, қуллуқ қилиб яшашга одатланиб келди ва таасуфки, бу одатини тарк этмоқчи ҳам эмас. Балки шунинг учун ҳам шукроначилик бутун ўзбек халқининг қон қонигача сингиб кетган иллат бўлса керак. Интернет тармоғини кузатаркансиз, Ўзбекистон ҳақидаги хабарлар одатда кишининг этини жунжиктирмай қолмайди. Кимдир қамоқда ўлган бўлса, бошқа биров ноҳақдан қамалган. Яна кимдир Россияда, Қозоғистонда ҳақоратланган. Миллатни ҳозир ҳар ким ўз билганича тепкиласада, лекин миллат ҳаммасига ўзининг шукронаси билан жавоб беради: “ахир бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эдику” – дея ўзини овутади. Аммо энди бундан ҳам баттарроқ бўлмаса керак. Чунки биз энг чуқур қудуқнинг энг тубидаги миллатмиз.

Интернетда ўзбек аёлларининг мажбурий стерилизация қилинаётгани ва бундан хориж мамлакатларидаги жамиятлар даҳшатга тушаётганликлари ҳақидаги хабарлар кўзга ташланади. Кеча, аниқроғи 2014 йилнинг 29 январь кунда Швеция пойтахти Стокгольмда бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик қочқин журналист, ҳозирда Швециянинг Хелсинберг шаҳрида яшаётган Матлуба Азаматова ўз нутқи билан иштираётган эди, мажбурий стерилизация муаммоларини кўтарди.

Этибор қилинг — аёл қилаяпти бу ишни. Эркаклар номард бўлган жойда эса, аёллар уларнинг ўрнига марду майдон бўлишаркан. Ўзбекистондаги ўзбек эркакларига аёлини стерилизацияга олиб бормаса қамалиб кетишини айтинг, юраклари товонигача тушиб кетади ва ўз аёлларини ўзлари генекологлар хузурига олиб борадилар. Ҳозирда бунақа тадбир текинга амалга оширилмоқда экан. Бу ҳам президентимизнинг халққа нисбатан меҳрибонлигидан бўлса керак ҳой на ҳой(!).

Агар шу ишни пуллик қилиб қўйишганида борми, эркаклар Россияда гастертербайтерлик қилиб топган пуллари билан ўз аёлларини бичти-

ми мавжуд эди. Туркистон ерларида эса эндигина феодализм формацияси шаклланиб келаётганди. Ғарб дунёси ва Россияда аллақачон капиталистик муносабатларга ўтган ва оз бўлсада, саноати тараққий этган ҳам бўлсада, бизнинг халқлар ўша Кўқон аравани судраб юраверишган. Русларнинг қилган энг улуғ иши Марказий Осиёда қулдорликни буткул тугатиши бўлди, аммо бу улкан ҳудудни улар ўз империяларига ҳам қўшиб олишди. Россия Империяси бизга нима берганди? Деярлик ҳеч нарса! Улар асосан Туркистон ерларининг бойликларини ташиб кетиш билан машғул бўлишди.

Туркистон йигитларини эса Россиянинг ноқоратупроқларида, Сибир ўлкаларида мардикор қилиб ишлатишди. Тўғри, жадидлар ҳаракати ҳам бўлганди, қайсики улар биринчи жаҳон уриши йилларида туркистонликлар ҳам окопларда туриб жанг қилишини талаб этишарди. Аммо уларга биров қулоқ ҳам осмади. Туркистонликлар русларнинг мардикори бўлиб қолаверди ва бу мардикорлик ҳозир ҳам тўхтагани йўқ!

Ўзбекистонни озодликка олиб чиқиш ҳаракатлари халқ орасида қўлланмапти. Зотан, ўтмишида ҳам бу халқни бошқалар бир даврдан янги даврга олиб ўтган эди. Узи эса бир формациядан янгисига ўта олмаган.

Бу сафар эса ҳукуматимизнинг томири узун ва чуқур кетган ва энди уни кимдир биров келиб ўзгартирмайди ҳам. Уни фақат ўзимиз ўзгартаришимиз керак, лекин юқорида таъкидлаганимиздек, миллатнинг юраги товонига тушиб бўлган. Уни кўрқувда ушлаб туриш албатта ҳукуматга зарур, лекин унинг бу кўрқувдан чиқиши эса миллатнинг ўзи учун зарурдир. Бу кўрқув исканжасини тарк эта олармиканмиз?

Шукроначилар яхши кунига ҳам, ёмон кунига шукрона қилиб яшайверади. “Худога шукр, шунчалик бўлди, энди яна ҳам яхши бўлар”. Бошқа бир ҳолатда эса, “Худога шукр, шунча бўлди, бундан ҳам баттар бўлса нима бўларди?”. Биз учун бу сўнги нуқта азизлар ва энди бундан ҳам баттар бўлмайди!

Тўлқин Қораев
Швеция



СОЛИХ АЛАЙХИССАЛОМ. Уруғи ва маслаг

Солих бин Убайд (1), бин Асиф (2) ва ёки Осиф (3), бин Қамошиж (4) ва ёхуд Мосиж (5) ва ёки Мосих (6) бин Убайд, бин Ҳодир (7) ва ёхуд Ҳозир (8) ва ёхуд Жодир (9) ва ёки Ҳожир (10) бин Самуд (11), бин Обир (12) ва ёхуд Жоир (13), бин Ирам, бин Сом, бин Нух алайҳиссалом (14).

Солих алайҳиссалом Самуд қавми ичида ота ва она уруғидан энг сара ва устун ҳолда эди (15). У тижорат билан шуғулланарди (16).

Солих алайҳиссаломнинг шакли шамоили

Солих алайҳиссалом Исо алайҳиссаломга ўхшар эди. Оқ-қизғиш танли эди. Сочлари жингалак эмас, тўғри эди. У ҳам Исо алайҳиссалом каби ковуш киймас, ялангоёқ юрарди (17).

Самуд қавми ва юрти

Солих алайҳиссаломнинг қавми Иккинчи Од деб тилга олинган Самуд қавми бўлиб, Арабуларибадан эди (18). Аллоҳу Таоло Биринчи Одни, яъни Худ алайҳиссаломнинг қавмини ер юзига ҳоким қилганди (19). Аллоҳу Таоло бу қавми узун умрли яратганди. Улардан бир киши тош ва лойдан уй солса, бу уй унинг соғлигидаёқ эскириб, йиқилиб кетарди. Шу боис улар тоғ қояларини ўйиб, ичига уй қурдилар ва тирикчилиги мўл-кўллик ичида яшадилар (20). Самуд қавми Ҳижоз билан Шом орасида Водийкурага қадар узанган Ҳижр бўлгасида яшардилар (21). Ҳижр Самуд қавмининг Мадина билан Шом орасидаги юртнинг исмидир. Истоҳрий Ҳижр ҳақидаги мушоҳадларини шундай баён қилади:

“Ҳижр аҳолисиз бир ҳудуд, тоғлар орасида бўлиб, Водийкурага 1 кунлик йўлдир. Аллоҳу Таолонинг буюргани каби тоғлардан йўнилган уйлар шу ердадир (Шуаро. 149).

Асолис деган тоғларда бизнинг уйларга ўхшаган чўкки каби юксалган уйлар кўрдим. Бу уйларни кўрганлар бир бирига туташган тоғларни кўргандай бўлади.

Ёнига борганда, ҳар бири алоҳида қурилган уйлар эканини кўради. Кўришни истаган одам ҳар бир уй атрофини айланиб, бемалол сайр қилиши мумкин.

Уйларнинг ҳар бири алоҳида, ўз тамалида турибди. Устига чиқмоқчи бўлган одам қийинчилик билан чиқади. Аллоҳу Таолонинг “Мана, урғочи туя!

Сув ичиш навбати бир куни унга келажак. Маълум бир кун эса сув ичиш навбати сизникидир” (Шуаро.155), дея таъриф этгани Самуд

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (6)

кудуғи ҳам ўша макондадир (22).

Солих алайҳиссаломнинг Самуд қавмига пайғамбар ўларок юборилиши

Самуд қавми бусбутун ҳаддан ошиб, Аллоҳнинг амрига қарши бутларга топиниб (23), ер юзида фасод чиқаришга (24) озғинлик эта бошлаганда (25) Аллоҳу Таоло уларга Солих алайҳиссаломни пайғамбар этиб юборди (26).

Солих алайҳиссалом бутун бутларни улоқтириб (27), Самуд қавмини бир бўлган Аллоҳга ҳеч бир нарсани шерик қўшмасдан иймон ва ибодат этмакка даъват қила бошлади (28).

Лекин улар Солих алайҳиссаломни ва таблиғотини, куфр ва инкор билан қаршиладилар (29). Зотан, Самуд қавми ўзларига Солих алайҳиссаломдан аввал юборилган, аммо исм ва қиссалари Қуръони Каримда баён қилинмаган бошқа пайғамбарларни ҳам ёлғончига чиқаргандилар” (30).

Солих алайҳиссалом даъват ва таблиғотини оғишмай давом эттирди. Даъватини қабул этмасалар, Аллоҳ ғазаби ва азобиға учраяжagini уларга хабар берди (31) Самуд қавми билан 20 йил машғул бўлди (32).

Иш узайиб кетди ва қавми Солих алайҳиссаломдан унинг гапирганларини тасдиқловчи бир оят, бир мўъжиза кўрсатишини талаб қилди. Солих алайҳиссалом уларга:

- Қандай мўъжиза истайсизлар? — деб сўради.

Самуд қавмининг ҳар йил муайян бир кунда бутларини ёнига олиб, қутлаган бир байрами бор эди. Улар

ўша байрам кунини назарда тутиб:

- Сен ўз илоҳингга ёлвор. Биз ҳам ўз илоҳларимизга ёлворамиз. Агар сенинг илоҳинг дуонгни қабул этса, биз сенга тобеъ бўламиз. Борди-ю, бизнинг илоҳларимиз дуомизни қабул қилса, сен бизга тобеъ бўласан, — дейишди.

-Бўпти, — деди Солих алайҳиссалом.

Самуд қавми Васанлари ва бутлари билан байрамга чиқдилар. Солих алайҳиссалом ҳам улар билан бирга кетди. Самуд қавми дуосида Солих алайҳиссаломнинг қилмоқчи бўлган дуосидан ҳеч бирини қабул этмаслигини ўз Васанлари ва бутларидан истадилар.

Ва Самуд қавмининг саййид ва улуғ кишиси бўлган Жанда бин Амр: - Эй Солих, шу қоянинг ёнига биз билан яқинлаш.

Агар шу қоя ичидан биз учун шундай-шундай кўринишда бир

урғочи туя чиқарсанг, сенинг пайғамбарлигингни тасдиқлаб, сенга иймон этамиз, — деди.

Солих алайҳиссалом бунни бажарса, пайғамбарлигини тасдиқ ва ўзига иймон этажаклари ҳақида қатъий сўз олгандан кейин (33), қоянинг ёнида намоз қилди (34).

Аллоҳу Таолога дуо этди ва қоя худди тўлғоқ тутгандай тўлғанди (35). Ҳомилдор хотин каби ҳаракат қилди (36).

Титради, сўнгра иккига айрилиб, ичидан қавмининг истаган васфида бир туя чиқди (37). Қоя бир туя туғди (38). Самуд қавми бу туяни истаганча соғиб, челақларини сутга тўлдирардилар (39).

Бу воқеадан сўнг Жанда бин Амр билан яна баъзи кишилар Солих алайҳиссаломга иймон этишди (40).

Жанда бин Амрнинг амаки ўғли Шихоб бин Халифа каби баъзи Ашрафи ҳам Солих алайҳиссаломга иймон этишни истасалар-да, Васанларининг соҳиби бўлган Ашрафтон Зуоб бин Амр ила Хабоб ва Рабоблар тўсқинлик қилишди. Улар ҳам буларга кулоқ солиб, мусулмон бўлишдан воз кечдилар (41).

Самуд қавмининг мўъжиза туяни ўлдириши ва Солих алайҳиссаломни ҳам ўлдиришга уринишлари

Солих алайҳиссалом Роббининг унга берган туясидан ҳеч айрилмасди. У қаерга борса, туя ҳам борарди (42) туя бир кун Самуд қавмининг сувидан ичар, бир кун қавм унинг сутидан ичарди.

Давоми келгуси сонда



Озодликнинг Курултой эшиттиришида «Нега расмий Тошкент Украина исёнидан ўзбеклар хабардор бўлишини истамайди», деган саволни муҳокама қилдик. Эшиттиришда Украина парламенти депутати, дунё Қрим татарлари етакчиси, Мустафо

Ғалаёнлардан ўзбеклар нари туриши лозимлигини таъкидлашмоқда.

Озодликка маълум бўлишича, таниқли улама Қобил қори Украинадаги ғалаёнларни қоралаб, ўзбекларни Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик қадрига етишга чорлаган.

НЕГА РАСМИЙ ТОШКЕНТ УКРАИНА ИСЁНИДАН ЎЗБЕКЛАР ХАБАРДОР БЎЛИШINI ИСТАМАЙДИ?

Жамилов Киевнинг Евромайдонидан туриб иштирок қилди.

Украинанинг Киев шаҳрида ҳукуматга қарши норозилик намоишлари Ўзбекистон расмий матбуотида деярли ёритилмаяпти.

Айни пайтда Тошкент ва Фарғона водийсида мулалар жума маърузалари ва амри-маъруфларда исён ва

Ўзбекистонликларнинг кўпчилиги Украина исёни ҳақидаги маълумотларни Россия телеканалларидан олмоқда.

Озодликнинг Курултой эшиттиришида, Нега расмий Тошкент Украина исёнидан ўзбеклар хабардор бўлишини истамайди?, деган саволни муҳокама қилдик.

Ўзбекистонлик таниқли фотограф Умида Аҳмедова ва унинг ўғли Темур Карпов 29 январь куни кечкурун милициячилар томонидан уйдан олиб кетилган.

Бунга сабаб, улар ва яна тўрт киши 27 январь куни Украина му-

57 ёшли Умида Аҳмедова Швейцария элчихонасининг Gender Program билан ҳамкорликда ишланган “Аёл ва эркак – тонгдан шомгача” фотоальбоми ҳамда “Боқираллик юки” номли хужжатли фильмини суратга олгани учун

ТОШКЕНТДА “ЕВРОМАЙДАН” ТАРАФДОРЛАРИ ХИБСА ОЛИНДИ

холифати намоишларини қўллаб Тошкентдаги Украина элчихонаси олдида пикет ўтказган бўлган. Умида Аҳмедованинг турмуш ўртоғи Олег Карпов хорижий ОАВ журналистларига аёли ва ўғли тунни Ҳамза туман ИИБ бўлимида ўтказганини маълум қилган.

2010 йилда судланган. Унга қарши Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 139-моддаси 3-банди ва 140-моддаси бўйича “Ғаразли мақсадда тухмат уюштириш” ва “Ҳақорат” айблови қўйилган.

Ўзбек расмийлари унинг ижод

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 21 февраль куни Чех Республикасига икки кунлик ташрифини бошлайди.

Буни Тошкентдаги Чехия элчихонаси матбуот котиби Иржи Овчачек маълум қилди. Унга кўра, Чехия Президенти Милош Земан билан музокара чоғида И.Каримов савдо-иқтисодий ҳамкорлик, икки давлат ўртасидаги виза тартиби, ўзбекистонлик талабаларнинг

Чехияда билим олишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиши кутилмоқда. Бу Ўзбекистон раҳбарининг Чехия Республикасига

ЧЕХИЯГА ИККИ КУНЛИК САФАР

иккинчи ташрифидир.

И.Каримов илк бор Чехияга 1997 йил январь ойига сафар қилган эди.

Ҳозир Ўзбекистонда Чехия капитали иштирокида 19 корхона фаолият уритмоқда. Улардан саккизтаси

Эшиттиришда Украина парламенти депутати, дунё Қрим татарлари етакчиси, Мустафо Жамилов Киевнинг евромайдонидан туриб иштирок қилди.

Украинада евроинтеграция тарафдорларининг оммавий намоишлари ўтган ой президент Янукович Европа Иттифоқи билан савдо ва ассоциацияга киришиш битимини имзолашни рад қилиб Россия билан яқин муносабатлар ўрнатишни ваъда қилганидан кейин бошланган эди.

Бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони, муҳолифат лидерларидан бири Виталий Кличко намоишчиларга Янукович ҳукумати украиналикларнинг, унинг таъбири билан айтганда, “ислохотлар ўтказиладиган Европа давлатида яшаш умидини чиппака чиқаргани”ни урғулади.

Ғарб давлатларининг аксар сиёсатчилари қўллаб-қувватлаётган Киевдаги намоишчилар Украина ҳукуматининг истеъфога чиқишини, янги сайловлар ўтказилиши ва намоишчиларга нисбатан куч ишлатган полиция ходимлари жазога тортилишини талаб қилмоқда.

ozodlik.org



намуналарида “ўзбек халқининг урф-одатлари, анъана ва менталитетига ҳақорат” унсурларини кўришган ва бундай асарлар Ўзбекистон ҳақида салбий тасавурлар уйғотишини айтишган.

UZBEK.FM

юз фоиз Чехия сармояси ҳисобига ташкил этилган.

Айни пайтда, қароргоҳи Берлинда жойлашган Ўзбекистон Республи-

касининг Чехия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дурбек Омонов 28 январь куни президент Милош Земанга ишонч ёрлигини топширди.

ozodlik.org



Куни-кеча Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий сайти UzXalqHarakati.Com ва Facebook.Com ижтимоий тармоғида “Шукронистлар ҳақидаги фикрлар” сарлавҳали мақолам эълон қилинди.

Тошкентдаги бир оғайним мақолани ўқиб, менга ўзининг мана бу мактубини йўллабди. Мактубни ўқиб, икки кун ўзимга кела олмай юрдим. Уни қуйида келтираман:

“Салом, дўстим Сайдулло! Ишларинг яхшими? Ғала-ғовурларда омон юрганингдан хурсандман.

Кеча УХҲ сайтида “Шукронистлар ҳақида” деган мақолангни ўқиб қолдим. Зўр мавзуни кўтарибсан. Сал қисқа ёзибсан, шукронистларнинг нега шундайлигини ёзмабсан. Шукронистлар сен айтганингдек манқуртлиги туфайли шукр қилишмайди, улар қўрқоқлиги туфайли шукронист бўлиб қолишган.

Мақолангни ўқиб, ўзимнинг бир танишим билан ўтган йил кузида содир бўлган воқеа эсимга тушиб кетди. Даврон деган қўшним Юнусободда ўзи яшайдиган кварталда қовун-тарвуз сотади. Бу ишда унга аёли ва фарзандлари кўмаклашишади.

Хуллас калом, кунлардан бир кун Даврон яшайдиган ва савдо қиладиган кварталнинг участковой келиб, куча бўйида қовун сотаётганларга: “Тезда қовун-тарвузларингизни тротуардан нарироққа олинглар! Бир соатдан бу ерга туман ҳоқими билан начальник милиса келади” – деган.

Сотувчилар сабзавотларни тез-тез четроққа олишга тушишган. Лекин Давроннинг аёли, 7 яшар қизи ва 10 яшар ўғли ўз қовун-тарвузларини йиғиштириб улгурмаган.

Ярим соатдан кейин қайтиб келган участковой мент Давроннинг аёлини тарвузларни четга олиб улгурмагани учун ҳақоратлаб бошлаган. Бунга жа-

вобан ориятли аёл участковойнинг ўзини ҳақоратлаган.

Участковой эса дарров сотувчи аёлнинг юзига мушт туширган, онасини ҳимоя қилиш учун югуриб келган 7 яшар қизалоқни бир тепиб, 10 яшар боланинг жигарига мушт туширган. Қолган сотувчилар аёл ва унинг болаларини қутурган ментдан қутқариш ўрнига, томошабин бўлиб қараб туришган. Бу пайтда Давроннинг ўзи Қўйлиқ бозорида бўлган.

Бу воқеа тафсилотларини менга эртаси куни Давроннинг ўзи айтиб берди. У олдимга келиб: “Ака, ана шундай гаплар. Ҳозир аёлим ҳам, болаларим ҳам 16-чи горбольницада.

Бу гапларимдан кейин Даврон умуман қўрқиб: “Ака, нима деяпсиз? Одам ўлдириш гуноҳи азим. Аллоҳдан қўрқинг! У қудратли Зот!” – дея менга насиҳат қила бошлади. Қамалиб қолса, болаларининг ризқини ўша қудратли Аллоҳ эмас, ўзи топиб беришига ишонаётган Даврон ментдан қасос олишга келганда Аллоҳнинг борлигини ва қудратини эслаб қолди. Қўрқоқ-да!

Қара, уни ҳали қамашмаган, унга: “Қамаймиз”, — деб айтишган холос. Эркак шунинг ўзига писиб қолган. Энди уни ростдан ҳам қамашса, тасаввур қилавер, нима бўлишини.

Кейин билсам, 16-горбольни-

ЭРКАК ҚЎРҚОҚ БЎЛСА...

Ўғлимнинг жигари ишиб кетган. Аёлимнинг мияси чайқалган. Қизим ҳам чалажон ётибди” – деди ва участковойнинг устидан қаерга шикоят қилишни сўради.

Мен унга прокуратурага мурожаат қилиш зарурлигини айтганимда: “Ака, мен ариза ёза олмайман. Сиз юристсиз, ўзингиз бир ариза ёзиб беринг. Эртага бирга бориб топширамиз. Хўпми?” – деди ва менда ёрдам сўради.

Мен Давроннинг номидан ариза ёзиб тайёрладим ва эртасига эрталабдан уни кута бошладим. Даврон келишган вақтдан бир соат кечикиб келди. Мен: “Тинчликми? Нега кечикдинг?” – деб сўрадим. Шунда у: “Ака, қўйинг шу аризани. Менга тинчлик керак. Уйлаб қарасам, хотиним ва болаларим тирик қолганига шукр қилишим керак экан” – деди.

Унинг гапларидан мен тутоқиб кетдим: “Бўйинг 180 бўлатуриб, ўл қўрқиб. Дух йўқ эканда а сенда? Хотининг билан болаларингни ҳимоя қилишдан ҳам қўрқаяпсанми?” – деб кетдим.

Шунда Даврон нега орқага қайтганининг асл сабабини айтди. “Ака, кеча кечқурун начальник милиса ва участковойнинг ўзи келиб: “Устимиздан ариза ёзсанг, ё чўнтагингга наркотик ташлаб, ё уйингга диний варақа ташлаб қўйиб, сени қамоққа тикамиз” – дейишди.

Шундан қўрқаяпман. Мен қамалсам, болаларимни ким боқади?” – деди.

“Ундай бўлса, кел шу участковойни ўлдирамиз. Уни қаерда яшашини билиб бер, тунда подъяездеда тинчитамиз” – дедим.

цада Давроннинг хотини бўлган воқеани рўйи рост ёзиб, участковойнинг устидан шикоят қилган экан.

Лекин эртаси куни Даврон бориб, хотинининг аризасини қайтариб олдиртирган. “Шу арзимаган аризанг деб, мен қамоқда ўтиришни истамайман. Мен қамалсам, сизларни ким боқади? Ундан кўра тирик қолганингга шукр қил!” – деган.

Қўрдингми, дўст: хотин ментдан қасос олишни истаяпти, эркак эса қўрқаяпти. Энди айт-чи, шундай қўрқоқлар билан инқилоб қилиб бўладими?

Шундай қўрқоқлар учун жонингни хатарга қўйиб, жиҳод қилиб бўладими?

Булар Ислом Абдуғаниевичга мос эркаклар. Аллоҳ бундай қўрқоқларнинг устига ҳали бери адолатли ва жасур подшони юбормаса керак.

Эркаклар оддий участковойни кўрганида тиззалари қалтираса, қуролланган аскарни кўрса, юраклари така-пука бўлиб, жон таслим қилсалар керак.

Афсус, “Ўзбек” деган сўз “қўрқоқ” деган сўз билан синоним бўлиб қолди. Ҳа, дўстим: УЗБЕК=ҚЎРҚОҚ бўлиб қолди.

Сен бўлса, шукронистлар манқуртлигидан шукр қиладилар дебсан. Улар қўрқоқлигидан шукронист бўлиб қолишган, дўстим”.

Ҳурматли ўқувчилар! Тошкентдан жўнатилган ушбу мактубга муносабат билдиришга ожизман.

Яхшиси — шу ишни сизлар қилақолинглар.

Саид АСКАР

Шоир, шеърининг охирида, лаънагга қолган миллатнинг истикболи йўқлигини, ватанининг, хароб ҳолга тушиб қолган наслнинг куриб битажагини билдиради:

Қарғалган миллатнинг

келажаги тул,

Дарёлари қуриб, чирир ерлари,

Қарғалган миллатнинг

болалари – қул

Аёллари тумсо, бенушт эрлари.

Қарғалган миллатнинг

қозиси – фосих,

Олими савдогар –

илм сотиб яшар,

Шоирлари эса ақлдан озиб,

Душмандан мукофот

олмоққа шошар ...

8. ИНСОН ПСИХОЛОГИЯСИ-ГА ОИД ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳ шеърлятида, инсон психологияси ва инсон характерида оид хусусиятлар муҳим

Билинг, қаттиқ эрур

сиздан ҳам инсон,

Инсон қаттиқ эрур тошдан ҳам.
мисраларида ифода этади.

“Пайт пойлаб” шеърлятида, ҳақиқатни шубҳа ила қаршилагани каби, очиқча гапиришдан ҳам қочаётган инсон тасвирланади.

Шеърда тасвир этилган одам, куёш чиқиб турганини кўргани ҳолда, ёмғир ёғмаётганига ишонамайди:

Кўрқа-писа ойнани очди,

Шубҳа билан боқди куёшга.

Осмонга ҳам ишонқирамай,

Кўлин тутиб кўрди, - ёмғир йўқ.

Шеърда таърифланган одам, аслида ёмғир ёғмаётганини жуда яхши билади.

Фақат, буни очиқча айтмоққа жасорати йўқ.

Бунинг фурсатини кутмоқда. Фурсат етганидагина, ҳақиқат буюк бир жўшқинлик билан тилга олинади:

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

ўрин тутади. Бу шеърларда ахлоқий кийматлардан маҳрум бўлган совет инсонини, воқеалар ва маълум шахслар, қаршисидаги ҳатти-ҳаракатлари ва ҳолатлари ҳақида сўз юрактади.

Совет инсонининг хушомадгүй, ҳуркаклик, кўрқоқлик, риёкорлик, фақат бугунги кунини ўйловчи, шошқалоқлик, марҳаматсизлик, ёлғизлик, манманлик, ваҳима ичида қолмоқ, ожизлик, хоинлик қилмоқ каби хусусиятларни ўз ичига олгани зикр этгандир.

Бундан ташқари, шундай инсонлардан иборат жамиятни оёққа турғазиб олдинга юритмоқ иддаосидаги бир даъво одами дуч келадиган тўсиқлар ҳам Муҳаммад Солиҳ шеърлярига мавзу қилиб олинган.

Масалан, “Ит” номли шеърда совет одами, куйруғи кесилган бечора бир кўппакка менгзатилади.

Шоир, ягона иши, эгасини кўриқламоқ бўлган кўппакка, думи кесилгани учун ачинади.

Кўппакка хитобан:

Думи кесик бечора ит,

Хўжайининг олдида

Нимани ликкилатасан энди?

дея сўраган шоир, 1980 йилда ёзган бу шеърда, бундай ялтоқи одамларнинг даври ўтганига ишора қилади.

“Энди Сизга навбат” шеърлятида эса, совет кишининг ёлғизлигидан ташқари, ҳиссиёт йўқсили эканлигини ҳам тилга олади.

Шоир бу фикрини, деворларга хитобан айтгани:

- Ёмғир йўқ! - деб бақирди бирдан,
Деразани ёнди шошилинч,-

Мана энди ҳақиқатни ҳам

Айтиш мумкин!,- деди хансираб.

Муҳаммад Солиҳ яшаш учун курашиш шартлигини эътироз этган “Урушга қарши” шеърлятида эса, ичилган қасамларнинг, берилган сўзларнинг самимиятидан шубҳаланишини тилга олади. Унинг фикрича, байроқни ўпиб қасамёд этмай туриб, коммунистлар каби икки юзлилик қилиб, ватанга хиёнат этмаслик ҳам мумкин:

Бирорта урушда қатнашмай

туруб,

Ҳеч кимни ўлдирмай,

Асирга тушмай ҳам

Олтмишга кириши мумкин

одамзод.

.....

Байроқни ўпмай ҳам,

Қасам ичмай ҳам,

Ватанни сотмаслик мумкиндир.

“Сичқон инининг янги баҳоси”

номли китъада эса, шоир, инсонларнинг ўз манфаатлари йўлида яқин дўстларига хиёнат этишларидан туйилган нафратни тилга олмоқдадир.

Муҳаммад Солиҳ “Сиз каби” шеърлятида, адолат учун қаҳрамонларча курашмоқ ва ҳур бўлиб ўлмоқ истагини, аммо бунга жасорат этолмаслигини билдиради. Чунки, у ҳам бир совет кишиси каби тадбиркор бўлишга мажбур.

Ҳамма қатори у ҳам, ҳар лаҳза кўрқув билан яшамокда ва ҳар лаҳза таъкиб этилиш ҳиссини ўзи билан ташимоқда, Бундай беҳузурлик ичида, сахарлари кўрқув билан уйғонади,

нафасини ичига ютади.

Чунки, ўйлаб отган бўлса ҳам, ҳар бир қадами уни бир жосус каби таъкиб этмоқдадир.

Одамлар ҳатто ўз соясида ҳам кўрқадиган бир ҳолга келганлар. Албатта, бундай психологик босим остида қолган инсонларнинг, мавжуд тузимга қарши курашишлари, адолат истаб майдонга чиқишлари асло осон эмас:

Мен ўзимни аядим бироқ –

Етти ўлчаб бир кесдим доим.

Бугун, мана, оғрир зирқираб

Етти ўлчаб бир кесган жойим.

Чўчиб уйғонаман сахарлар,

Мен ичимга ютаман дамим:

Айгоқчидай писиб келарлар

Ҳар бир ўйлаб босган қадамим!

Кўрқув шеърлятида, бир тўп шахслардан иборат жамиятнинг советлар тузумидаги зўравонлик сиёсати қаршисида, нақадар кўрқоқ ҳолга тушиб қолганлари,

ҳатто яхши инсонларнинг ҳам бу ҳолдан ёқаларини зўравоннинг қўлидан қутилмаганлари ифода этилмоқдадир.

Шоир бу шеърда кўрқувга юкумли касаллик ташҳисини қўяди. “Кўркмаяпман!” дея бир дафъа ҳайқирмоқ ҳам, шоир учун жуда муҳимдир.

Шоир, даҳшат қаршисида қолган инсоннинг, ўз юрагининг уришидан ҳам кўрқиши мумкинлигини куйламоқдадир..

Кўрқаяпти.

Нари ўтир.

Юқмасин кўрқув.

Ундан чиқиб, сенга бу

дард қилмасин ҳужум.

Ҳаётининг ярмин ҳозир

берар эди у,

“Кўрқаяпман”, дея

бир бор ҳайқирмоқ учун.

Кечир уни, ниятлари

пок эди унинг,

“Тондим”, дея душманига

ялунгунча то,

Эзгу йўлда юраклари чок эди унинг

Кўрқув деган касаликка

чалингунча то...

“ким келяпти”,

дея ҳайрон бўлаверма сен

Бу товушининг нелигини

ундан сўрагин:

Бу – кўкракда аланг - яланг,

зир югураётган

Юрак эрур, кўрқаятган

инсон юраги! (1985)

Муҳаммад Солиҳ “Қаҳрамоним” шеърлятида, сохта Қаҳрамонларни қаламга олади.

Давоми келгуси сонда

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ойдин Солих хоним таъкидлаганларидек, «Соғлиқни сақлашнинг ўли Куръони Каримда, ҳадисларда, буюк уламоларнинг китобларида батафсил тушунтирилган». Бизларнинг вазифамиз эса шу китобларни ўқиб ўрганишимиз, энг асосийси уларга амал қилган холда ҳаёт кечиришимиздир.



«Ҳақиқий тиббиёт» китоби илм аҳллари учун уларнинг келгуси илмий изланишларида қимматли манба, биз каби оддий инсонлар учун эса дардимизга шифо топишда муҳим кўлланма бўлиб қолади.

Бу муҳим китобни биз бир-биримизга тавсия қилишимиз, кўплаб нашрда чоп этилишига, бошқа тилларга ҳам таржима қилинишига эришимиз керак. «Ҳақиқий тиббиёт» китобининг дунё юзини кўриши муносабати билан туркийзабон халқларни, шу жумладан, туркий ўзбек халқини тиббиёт соҳасида эришилган янги зафар билан муборакбод этаман. Аллоҳ таоло китоб муаллифининг илмларини янада зиёда қилишини тилаб қоламан.

Дилмурод Худойқул.

Ойдин Солих хонимнинг китобини ўқир эканман, хусусан мана шу мавзу диққатимни тортди: Бизда «Цезар амалиёти» деган усул билан (болани операция қилдириб олиш) туғиш жуда кенг тарқалган. Бу усулнинг ҳато эканини бошқа манбалардан ҳам эшитган эдим.

Ҳатто Европада бу метод энг оғир вазиятлардагина, бошқа чора қолмагандан сўнг қўлланилишини билардим. Фақат Ойдин хонимнинг китобини ўқигандан сўнг, бунинг нақадар ҳалокатли эканини тушуниб етдим. Аёллар гўё туғиш асносидаги оғриқдан қутулар экан, бунинг оқибатда ҳам аёл соғлиги учун, ҳамда боланинг келажаги учун қанчалар хавфли асоратлар қолдирилишини билмайдилар.

Бутун аёлларнинг бу китобни ўқишини маслаҳат қиламан.

**Меҳмет Сарой Экин
Истанбул**

Тасаввуф ва дин тадқиқотчиси сифатида ҳам шуни айтишим мумкинки, барча тирик мавжудот (ўсимликлар ҳам) Аллоҳни зикр қилибгина яшайди ва ривожланади. Агар инсон юрагининг уришини диққат билан кузатсангиз, юракнинг «Аллоҳ», «Аллоҳ» деб ишлаётганини кўрасиз.

Тирик организм ўзига ёпишган касаллик билан Аллоҳни зикр қилиш давомида курашади.

Агар организмга Аллоҳнинг китобларида, Расулуллоҳ с.а.в.нинг ҳадисларида баён қилинган муолажа (дори-дармон)ни «Аллоҳнинг номи билан» деб киритсангиз, бу муолажа организмнинг Аллоҳни зикр қилишини кучайтириб (илмий тиббиёт тилида иммунитетни кучайтириб) касалликни енгишга сабаб бўлади.

Юқоридагилар ҳамда «Аллоҳ дард юборганда, унинг давосини ҳам юборгандир» деган ҳадис, Ойдин Солихнинг Куръонда ва Ҳадисда бўлмаган давони кўлламай тўғри қилганининг исботи сифатида кўриш мумкин.

Имом Бухорий «Жомеъус-Саҳих»ининг 4-том, «Тиб китоби» бобининг 28-бандида қайд қилинишича, Расулуллоҳ с.а.в. одамларни даволаганда «Эй, инсонларнинг Парвардигори, дардни кетказиб шифо ато этгин, Сен шифо этгучисан.

Сенинг шифоингдан бўлак шифо йўқ. Сен берган шифо ҳеч бир дардни қолдирмағай», деган дуони ўқир эканлар. Бу эса Ойдин Солихнинг «Биз фақат тавсия қиламиз, шифо эса Аллоҳдандир» деганига бир шарҳ сифатида кўрилса да бўлади.

Ойдин Солихнинг Куръон ва Ҳадисга асосланган бу китоби 21-чи биология асри китобларидан бири деб тушундим.

Қайси динга мансублигидан қатъи назар, Аллоҳни таниган ҳар бир одам ундан фойда олади, деб ишонаман.

Аҳмад ҳожи Хоразмий,
Ўзбекистон Фанлар Академияси ва ал-Хоразмий мукофатлари лауреати, профессор, Буюк Британия, Манчестер.

Назаримда Ойдин Солих фақатгина пархез мутахассиси кан, хасталарга ортикча килодан қутулиш учун турли ўсимликларни ва очликни тавсия қилапти экан,

деган тушунча чиқаяпти шекилли. Чунки вазият бундай эмас. Буни қаердан билишимга келсак, ўзим ҳам у кишининг кўригидан ўтдим ва китобини ўқидим.

Ойдин хоним инсонларга ҳалол егуликларни, генлари ўзгартирилмаган озиқ-овқат махсулотларини тавсия етаяпти.

Синтетик дорилардан узоқ туришни тарғиб қилапти. Очлик билан даволашга келсак, бу жуда қизик бўлиб, мен бу усулни анча олдин бир олмон олимнинг китобидан ўқиган эдим.

Бу олмон олими энг яхши амалиёт (операция)нинг очлик эканини айтаётганди. Кейинчалик Ойдин хоним ҳақда эшитиб, унинг даволаш методини ўргандим ва бунга ишондим, ҳаётимга тадбиқ этиб синаб кўрдим.

Шундан сўнг бутун дориларимдан воз кечдим. Диабет касалиман ва контрол остига тутиб туриш қийин бўлган бу касаллигимни Ойдин хоним методи билангина контрол остига олдим.

Еб ичаётганларимга жуда ҳам диққат қилаяпман ва генлари ўзгартирилган ҳеч қайси махсулотни истемол қилмаяпман. Синтетик дорилардан узоқ тураяпман. Ҳаммаси шундан иборат.

Тибб оламида ва дори саноатида бўлаётган кўзбўямачиликларни яқиндан билганим учун, бошқа бундай даволовчиларни билмадим, аммо Ойдин Солих хонимга ишонаман.

Бир неча марта ўлкамизнинг машҳур докторларга бориб кўриқдан ўтиб даволанган касал ўларок, бундан кейин бу докторларга асло бормасликка қарор қилдим.

Ойдин хонимнинг китоби менинг учун мукамал соғлиқ қўлланмасидир.

**Ҳурмат билан
Хазар Конт**

Ассалому алайкум Ойдин опа, Сизни бу дунё саодати учун қилаётган ишларингиздан мамнунмиз.

Ҳурмат билан,
Америкадан мухлисингиз.

Ойдин СОЛИХ

«Ҳақиқий тиббиёт» китобидан
(Охири келгуси сонда)

ERKIN YURT

«Эркин Юрт» интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош